

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУШВАКТОВА ХУСНОБОД СОЛИЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТНИ**  
**МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК**  
**АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (экология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по  
педагогическим наукам**

**Table of contents of the abstract of the doctoral dissertation (DSc) in  
pedagogical sciences**

**Хушвактова Хуснобод Солиевна**

Олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини  
ўқитишнинг методик асосларини  
такомиллаштириш.....3

**Хушвактова Хуснобод Солиевна**

Совершенствование методических основ преподавания предмета «Экология и  
охрана природы» в высших образовательных  
учреждениях.....27

**Khushvaktova Khusnobod Solievna**

Improvement of the methodological basis for teaching “Ecology and nature  
protection” in higher educational  
institutions.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications.....58

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУШВАКТОВА ХУСНОБОД СОЛИЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (экология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Ped159 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.csri.uz](http://www.csri.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Шарипова Дилара Джуманиязовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Файзиев Воҳид Бахромович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» декабрь кунини соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (67 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41

Диссертация автореферати 2021 йил «7» сентябрь кунини тарқатилди.  
(2021 йил «7» декабрь даги 13 рақамли ҳисот баённомаси).



**Ж.Э.Усаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., доцент

**Д.М.Махмудова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р.А.Эшчанов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда олий таълим муассасалари битирувчиларида экологик компетентликни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг атроф-муҳит муҳофазасига доир амалий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш устувор аҳамият касб этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Рио+20” конференцияси резолюциясида инсониятнинг яшаб қолиши ва барқарор ривожланишини амалга оширишда экологик таълим муҳим аҳамиятга эгаллиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ана шу сабабли бўлажак мутахассислар таълим йўналишидан қатъи назар, узлуксиз таълим тизимида фанларни экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан алоқадорликда ўқитиш технологиясини эгаллаши, экологияни нафақат фан соҳаси сифатида ўзлаштириши, балки экологик маданиятга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Айниқса, планетар фикрлаш орқали талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантириш, атроф-муҳитга аксиологик муносабатни қарор топтириш механизмларини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Дунёда барқарор ривожланиш концепцияси доирасида талабаларда экологик компетенцияларни таркиб топтиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, табиий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг экологик дунёқарашини ривожлантиришнинг инновацион-методик тизимини такомиллаштириш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг технологик асосларини аниқлаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, экологик-педагогик таълимнинг ноогуманистик моделини ишлаб чиқиш орқали бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-экологик фаолият тажрибасини шакллантириш, олий таълим муассасалари талабаларини экологик тарғибот ва ташвиқот фаолиятига тайёрлашнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштириш, экологик таълимнинг интерфаол шакл ва методларидан самарали фойдаланиш орқали таълим олувчиларда экологик тафаккурни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилиб, амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини мазмунан экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан зарур даражада бойитиш, экологик таълим йўналишида илғор миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш, улар асосида таълим олувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг аниқ параметрларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “Глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.”<sup>1</sup> Шунингдек, “Ноэкологик йўналишларда тегишли ўқув фанларига экология ва табиатни

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

муҳофазасига оид мавзуларни киритиб бориш ҳамда илм-фанда эришилган ютуқлар, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид янги технология ва тадқиқотлар асосида мунтазам янгилашиб бориш, олий таълим муассасаларининг амалиёт дарсларини бевосита йирик саноат корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари, сув хўжалиги ташкилотлари, кўрикхоналар, экологик инқироз кузатилаётган ҳудудлар ва экология соҳасидаги бошқа корхоналарда олиб борилиши йўлга қўйиш” каби муҳим йўналишлар белгилаб берилган. Бу эса, олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг инновацион-методик тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 27 майдаги 434-сон “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий, маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини

---

<sup>2</sup> Мазкур қисмни ёзишда куйидаги манбаларга асосланилди: Фортунатов А.А. Экологическое образование учащейся молодежи в высших учебных заведениях России и Японии // Вестник Череповецкого государственного университета. – 2016. – № 4 (73). – С.137-138; Шпак Н. А. Перспективы развития экологического образования в России // Экопотенциал. – 2014. – №.4. – С.51–54.; Tanaka H. Current State and Future Prospects of Education for Sustainable Development (ESD) in Japan // Educational Studies in Japan: International Yearbook. 2017. – No.11. – P.15–28.; Wakai I. Considering Concerning the Traditional Regional Culture and Environmental Education that Support the Conservation of Ecosystems of Lagoons around Lake Biwa (A Case Study of Lake Nishi-no-ko in Shiga Prefecture) // Знание. Понимание. Умение. 2013. – № 1. – С.28-31.; Университетская география в современном мире / Под ред. А.С. Наумова. – М.: Буки Веди, 2016. – С.224-235.; Gerhard de Naan (2007). Studium und Forschung zur Nachhaltigkeit. Der Leitfaden als Handbuch mit CD-ROM. W.Bertelsmann. – 530 p.; Гильмиярова С.Г. Непрерывное экологическое образование будущих учителей в России и США: дисс. доктора пед. наук. – Уфа, БГПУ, 2002. – 372с.

Ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Агентлиги (АҚШ), Фрайберг тоғ академияси техника университети (Германия), Британия экологик жамияти (Буюк Британия), Барселона автоном университети (Испания), Москва давлат университети (Россия), Венгер давлат таълим ва тадқиқот институти (Венгрия), Токио университети (Япония), Гонконг техника университети (Хитой), Карлтон университети (Канада), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, талабаларни маҳаллий экологик муаммолар ечимига жалб этиш жараёнини жадаллаштиришга доир “Project WILD” ва “Project Learning Tree” лойиҳалари ишлаб чиқилган (Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Агентлиги (АҚШ); талабалар ва ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этишнинг дуал тизими, экологик таълим концепциялари яратилган (Фрайберг тоғ академияси техника университети (Германия); талабаларнинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасига доир тадқиқотчилик компетенциясини ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилган (Британия экологик жамияти); экологик таълимни ташкил этишнинг кооператив ўқитиш технологиялари такомиллаштирилган (Барселона автоном университети); экологик таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг психологик-педагогик механизмлари такомиллаштирилган (Москва давлат университети); “Яшил пакет” номли туркум мультимедиа ўқув мажмуалари яратилган (Венгер давлат таълим ва тадқиқот институти); интерактив экспонатлар ва илғор технологиялардан фойдаланишга йўналтирилган ахборот марказлари яратилган (Токио университети); Осиё ҳудудида долзарб амалиётларини ташкил этиш орқали талабаларнинг экологик билимларини ривожлантиришнинг дидактик тизими ишлаб чиқилган (Гонконг техника университети); барқарор ривожланиш, ақлли энергетик технологияларни умумий экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан интегратив ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган (Карлтон университети); узлуксиз таълимда экологик онг ва маданиятни ривожлантиришнинг электрон-методик тизими ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Миллий университети).

Жаҳонда олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологияларини такомиллаштириш; ривожлантирувчи таълимга устуворлик бериш асосида талабаларда экологик дунёқарашни таркиб топтириш; аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларда планетар ва глобал фикрлашни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш; “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишда интерактив дастурий

воситалардан фойдаланишнинг методик тизимини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанининг назарий асослари Э.О.Турдикулов, Т.Раҳимова, Х.Турсунов, Б.Зиёмухамедов, А.Эргашевлар, экологиянинг ижтимоий-сиёсий муаммолари Ю.Шодиметов, экологик ҳуқуқи, экологик-географик муаммолар Д.Арипов, А.Ниғматов, А.Тўхтаев, Ш.Файзиев, Ж.Холмуминов каби олимлар томонидан ўрганилган<sup>2</sup>. Орол денгизи билан боғлиқ тупроқ ва сув экологияси масалалари Д.Шарипова, Д.Ёрматова, Г.Сапароваларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Экологик таълим беришда инвариант ва вариатив дидактив функциялар, экопедагогик таълимнинг назарий асослари Ш.Авезов, Н.Ашурова, Н.Бозорова, И.Исмаев, Н.Исакулова, Г.Комилова, А.Кучкинов, А.Маликова, Н.Нишонова, М.Нишонбоева, Х.Норбутаев, Ш.Очилов, Ж.Толипова, А.Раҳимов, Г.Эргашева, М.Хашимова кабилар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида М.Ахмедов, Т.Бадьина, О.Бутакова, Д.Варенов, Н.Винокурова, В.Доржова, А.Захлебный, И.Ильясова, С.Купцова, Т.Макашина, О.Марар, В.Николина, Р.Нуриязов, Н.Несговорова каби олимлар тадқиқотларида “Инсон экологияси” махсус курси воситасида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш, геоэкологик таълим, ижтимоий-маданий фаолият жараёнида бўлажак мутахассисларда экологик маданиятни шакллантириш, табиий фанларни ўрганиш жараёнида бўлажак ижтимоий иш ходимларида экологик маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари, талаба-геологларда экологик дунёқарашни шакллантириш, талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришда моделлаштириш методидан фойдаланиш, педагог-экологларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Хорижлик олимлардан П.Александр, Н.Ардуан, М.Барнетт, Ж.Дикинсон, Ж.Гроув, К.Иллерис, А.Колмусс, М.Красни, П.Марш, Р.Мэтьюз, К.Мордок, Р.Пламмар, Г.Поттер, М.Шлагер, Б.Уокер, А.Уолс, Е.Уимберли, К.Вольф кабилар экологик таълимда фанлараро алоқадорликнинг ўрни, дала тадқиқотларини ташкил этишда ёшларни жалб этиш, инсонларнинг иқлим ўзгаришларига муносабати, ижтимоий экологияни ўқитишга доир ёндашувлар, шаҳар экотизими ва ландшафтлар таҳлилига доир мавзули тадқиқотлар ўтказиш, барқарор ижтимоий-экологик тизимлар учун экологик таълим, табиий ресурсларни бошқаришда ҳамкорликни ташкил этишда ижтимоий таълимнинг ўрни, барқарор дунёни таъминлаш йўли сифатида ижтимоий таълим тамойиллари, истиқболлари ва амалиёти билан масалаларни ўз тадқиқотларида ёритиб беришган<sup>4</sup>.

---

Турдикулов Э.О. Инсон ва ҳаво. –Т.: Ёзувчи, 2002. – 47 б.; Раҳимова Т.У. Раҳимова Ш. Ўқувчиларга экологик таълим беришнинг дидактик асослари. // Халқ таълими. Ж.Т. 2015. -№2. -б. 65-68. Турсунов Х.Т. Экология ва барқарор ривожланиш. // Т.,Мехридарё. 2009й. –б. 125. .

<sup>3</sup> Бутакова О.Формирование экологической культуры школьников в разделе «Человек и его здоровье» средствами спецкурса «Экология человека»: автореф. ... дисс. канд.пед.наук. – Москва, 2007. – 17 с.;

<sup>4</sup> Alexander P.A., D.L.Schallert and R. E. Reynolds. 2009. What is learning anyway? A topographical perspective considered. Educational Psychologist 44:176-192.; Ardoin N. 2006. Toward an interdisciplinary understanding of place: Lessons for environmental education. Canadian Journal of Environmental Education 11:14.; Barnett M., C.Lord, E.Strauss, C.Rasca, H.Langford,



Юқоридаги илмий тадқиқотлар таҳлили экологик педагогика соҳасига доир қатор тадқиқотлар ўтказилганлигидан гувоҳлик берса-да, айнан олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштиришга алоҳида зарурият мавжудлигини кўрсатиб турибди. Реал таълим амалиёти “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” бўйича ўқув ва услубий қўлланмалар яратиш билан чегараланиб қолинганлиги, мазкур фанни ўқитишнинг амалий-технологик асослари ишлаб чиқилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур ҳолат эса, ушбу фанни касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш, бўлажак мутахассисларнинг экологик дунёқарашини ривожлантиришга тўлиқ имкон бермайди. Ана шу сабабли, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича махсус тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016-2017 йилларга мўлжалланган ИОТ 2015-1-15, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” дарслигини тайёрлаш” мавзусида устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

модулли ёндашув асосида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик жиҳатларини аниқлаштириш;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантириш омиллари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш моделини яратиш;

олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

мультимедиа воситасида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг такомиллаштирилган электрон тизимини тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент архитектура қурилиш институти,

---

D.Chavez, and L.Deni. 2006. Using the urban environment to engage youths in urban ecology field studies. *Journal of Environmental Education* 37:3-11.; Dickinson, J.L. 2009. The People Paradox: Self-Esteem Striving, Immortality Ideologies, and Human Response to Climate Change. *Ecology & Society* 14:34.; Grove J.M. and W. Burch. 1997. A social ecology approach and applications of urban ecosystem and landscape analyses: a case study of Baltimore, Maryland. *Urban Ecosystems* 1:259-275.; Illeris, K. 2007. *How We Learn: Learning and Non-learning in School and Beyond* Routledge, London, UK.

Андижон давлат университети, Бухоро давлат университетининг 499 нафар респондент-талабалари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий (таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, индукция, дедукция), эмпирик (кузатиш, суҳбат, анкета, эксперт баҳолаш, фаолият натижаларини ўрганиш, интервью, педагогик эксперимент), материалларга математик ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

модулли ёндашув асосида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик жиҳатлари блок-модулли ва фанлараро модулли таълимнинг мувофиқлаштирувчи, ахборот, назоратга доир ўқув элементларининг ташкилий, таълимий, якуний босқичлар билан интегративлигини таъминлаш, шахсга йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятининг индивидуаллиги ва вариативлигига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг ахлоқий-экологик онглилик, экологик масъулиятлилик, экологик иродавийлик, экологик кадриятларни хурмат қилиш каби экологик компетенцияларнинг шаклланишини баҳолашнинг мотивацион, шахсий, фаолиятли, когнитив мезонларнинг квалитетрик кўрсаткичлар билан эмпирик алоқадорлиги ва валидлигини муқобил тарзда белгилаш орқали аниқлаштирилган;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш модели экологик таълим жараёни тузилмасининг дастлабки тайёргарлик, идентив мақсадни белгилаш, умумқасбий фанлар билан алоқадорликни ҳосил қилиш, дидактик материалларни лойиҳалаш, ўз-ўзини баҳолашнинг устуворлигига эришиш каби қадамлар кетма-кетлигини экологик компетентликнинг анланган ва анланмаган босқичларида коррекцион-дидактик продуктивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

Олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари аксиологик (гуманистик ва техник жиҳатларнинг паритетлиги), онтологик (компетентли ёндашув), технологик (касбий фаолиятдаги ижтимоий-экологик муносабатларни ривожланишини ташкил қилиш) концептуал асосларга таянган ҳолда экологик таълим жараёнини ташкил этишнинг методологик, фаолиятли-технологик, шахсий-нативажавий даражаларини қайта алоқага киришувининг интенсивлиги таъминланган;

мультимедиа воситасида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг электрон тизими “Барқарор ривожланиш шароитида “Экология ва

табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг назарий ва методик асослари ” махсус курси бўйича интерактив дастурий воситаларни ривожлантирувчи таълимнинг ўйинли, муаммоли технологиялари билан адаптив шаклда лойиҳалашнинг ташкилий-дидактик механизмини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш бўйича мультимедиали электрон ўқув қўлланма яратилган;

“Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”, “Шаҳар ва саноат экологияси”, “Табиий фанларнинг замонавий концепцияси” номли дарсликлар нашр эттирилган;

“Экологиядан амалий машғулотлар”, “Барқарор ривожланиш шароитида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг назарий ва методик асослари”, “Экология (Тадқиқот усуллари ва жиҳозлари)” номли ўқув қўлланмалар нашр эттирилган;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш бўйича интерактив ўқув-услугий мажмуа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишга доир миллий ва хорижий тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти модулли ёндашув асосида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик жиҳатларининг аниқлаштирилганлиги, блок-модулли ва фанлараро модулли таълимнинг мувофиқлаштирувчи, ахборот, назоратга доир ўқув элементларини ташкилий, таълимий, якуний босқичлар билан интегративлигини таъминлаш, шахсга йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методикасининг такомиллаштирилганлиги, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг ахлоқий-экологик онглилик, экологик масъулиятлилик, экологик иродавийлик, экологик қадриятларни хурмат қилиш билан боғлиқ омилларининг аниқланганлиги, экологик компетенцияларнинг шаклланиш-ганлигини баҳолашнинг мотивацион, шахсий, фаолиятли, когнитив мезонларининг квалиметрик кўрсаткичлар билан эмпирик алоқадорлиги ва валидлиги муқобил тарзда белгилаб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилганлиги, экологик таълим жараёнини ташкил этишнинг методологик, фаолиятли-технологик, шахсий-нативавий даражаларининг аниқлаштирилганлиги, “Экологиядан амалий машғулотлар”, “Барқарор ривожланиш шароитида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг назарий ва методик асослари” махсус курси бўйича интерактив дастурий воситалар асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш жараёни самарадорлигини ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида махсус экологик модуллар бўйича дидактик таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

модулли ёндашув орқали “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик жиҳатларини блок-модулли ва фанлараро модулли таълимнинг мувофиқлаштирувчи, ахборот, назоратга доир ўқув элементларини ташкилий, таълимий, якуний босқичлар билан интегративлигини таъминлаш, шахсга йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятининг индивидуаллиги ва вариативлигига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 511400 – Биология ўқитиш методикаси бакалавриат йўналиши учун “Табиий фанларнинг замонавий концепцияси” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-065-рақамли гувоҳнома). Натижада, табиий фанларни модулли таълим технологияси асосида ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг ахлоқий-экологик онглилик, экологик масъулиятлилик, экологик иродавийлик, экологик қадриятларни ҳурмат қилиш билан боғлиқ омилларини экологик компетенцияларнинг шаклланганлигини баҳолашнинг мотивацион, шахсий, фаолиятли, когнитив мезонларнинг квалитетрик кўрсаткичлар билан эмпирик алоқадорлиги ва валидлигини муқобил тарзда белгилаш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бакалавриат йўналиши учун “Шаҳар ва саноат экологияси” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи, 676-045-рақамли гувоҳнома). Натижада, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини экологик соҳалар билан интеграциялаб ўқитишга хизмат қилган;

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш моделини экологик таълим жараёни

тузилмасининг дастлабки тайёргарлик, идентив мақсадни белгилаш, умумкасбий фанлар билан алоқадорликни ҳосил қилиш, дидактик материалларни лойиҳалаш, ўз-ўзини баҳолашнинг устуворлигига эришиш каби қадамлар кетма-кетлигини экологик компетентликнинг анланган ва анланмаган босқичларида коррекцион-дидактик продуктивлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-153. “Ёшларда экологик билим ва маданиятни шакллантириш мазмуни ва ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси доирасида экологик маданиятни шакллантиришнинг амалий-технологик тизимини яратишда фойдаланилган (Андижон давлат университетининг 305-сон Маълумотномаси). Натижада, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларини аксиологик, онтологик, технологик концептуал асосларга таянган ҳолда экологик таълим жараёнини ташкил этишнинг методологик, фаолиятли-технологик, шахсий-натижавий даражаларининг қайта алоқага киришувининг интенсивлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир 2018-2020 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган ҚХ-А-ҚХ- 2018-302 “Ўзбекистон шароитида иқлим ўзгаришининг сув ресурслари потенциалига таъсирини баҳолаш ва унга мослашиш тадбирларини ишлаб чиқиш” амалий гранти ҳамда 1.17- “Сув ресурсларини ва атроф-муҳитни бошқаришни иқлим ўзгариш шароитига мослаштириш тадбирларини такомиллаштириш” мавзусида бажарилган илмий тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланилган (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти 23/24-09-13-2628 Маълумотномаси). Натижада, табиий фанларни ўқитишнинг инновацион-методик таъминотини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

мультимедиа воситасида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг электрон тизимини “Барқарор ривожланиш шароитида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг назарий ва методик асослари” махсус курси бўйича интерактив дастурий воситаларни ривожлантирувчи таълимнинг ўйинли, муаммоли технологиялари билан адаптив шаклда лойиҳалашнинг ташкилий-дидактик механизмини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-054-рақамли гувоҳнома). Натижада, экологик таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, 2 та монография, 3 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 217 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон олий таълим муассасаларида экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитишнинг методологик муаммолари ва назарий ва асослари”** деб номланган биринчи бобида экологик таълимнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тамойиллари, узлуксиз экологик таълим тизимини яратишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, экологик таълимнинг методологияси: концептуал ёндашувлар, тамойиллар, асосий тушунчалар мазмун-моҳиятининг назарий-методологик асослари ёритилган. 2021 йил 21 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиниб, Ўзбекистонда атроф-муҳит бўйича Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган экологик офат маркази бўлган минтақадаги оғир вазият билан бевосита танишишга эътибор қаратилди.

Ҳозирги замон шароитида таълим, фан, техника ва технологияларни жадал суръатда ривожланиб, янгича тус олиб бораётган ва жамият тараққиётидаги ўзгаришларга хос таълим эҳтиёжларини қониқтиришга қодир, экологик онгли, экологик маданиятли мутахассисларни тайёрлаш зарурати талаб қилаётгани боис педагогик таълимда бўлғуси компетентли эколог педагогларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Бунга, ўз навбатида, экологик таълим ихтисослигининг таълим дастурлари энг оммавий бўлган касблар ва ихтисосликлар гуруҳига йўналтириш орқали эришилади. Бу эса ўз навбатида моҳиятига кўра, экологик таълим бўйича фаолият юритиш, кенг кўламдаги касбий-педагогик вазифаларни бажариш ҳамда касбий фаолиятда ўзини намоён қилишга

тайёрлашни самарали тарзда амалга оширишга қодир шахсни шакллантириш жараёнини ўз ичига олади. Улар бевосита экологияга оид вазифаларни реал ҳолатда бажариши, моҳиятини англаган ҳолда фикр юритишлари ва уларга амал қилишлари натижасида фаолиятларини олиб боришга тайёр мутахассис ҳисобланади.

Тадқиқот ишида бундай фаолиятни экологик маданият, экологик онг, экологик маъсулият тушунчалари билан боғланган ҳолда ишлатилиб келинганлиги, уларнинг луғавий маъноси, мутахассислар тайёрлашда таълим ва ишлаб чиқариш алоқадорлигини методологик асоси эканлиги каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шулардан келиб чиқиб, биз экологик таълимнинг таҳлилига кўра қуйидагиларни айта оламиз: мазкур таълим, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалар ҳолати ва ривожланишига иккиёқлама таъсирини ўтказди, аввал ОТМ ўқув муассасалари учун эколог педагогларни тайёрлаш сифати орқали, сўнгра улар томонидан тайёрланган битирувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ўз фаолиятларида кўрсата олиш орқали. Узлуксизлик омилини касбий таълим нуқтаи назаридан ўрганишда мазкур ёндашувнинг тарафдорлари инсоннинг узлуксиз таълим маконида эҳтимолли ҳаракатланишининг учта йўналишини алоҳида келтириб ўтади. Улар:

1. Экологик таълим савиясини ўзгартирмаган ҳолда малака ва педагогик маҳоратни, экологик компетентликни такомиллаштириш экологик таълимнинг босқичлари ва даражалари бўйича;

2. Юқорига аста-секин кўтарилиш, шахсда экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш;


3. Ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишини ўзгартириш билан боғлиқ экологик компетентликни такомиллаштиришдан иборат.

Экологик таълимнинг асосий мақсади юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош, билимдон, экологик масъулиятли, ўз касбини яхши биладиган ва ўзаро боғлиқ соҳаларда фаолият юритишга қодир, ўз ихтисослиги бўйича жаҳон стандарт талаблари даражасида самарали ишлай оладиган, доимий касбий ўсиш, ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлик қобилиятига эга, экология ва атроф-муҳитга бефарқ бўлмаган мутахассисларни тайёрлаш бош вазифа ҳисобланади (1-расмга қаранг).

ОТМда талабаларда экологик дунёқарашни ривожлантириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирнинг олдини олишга ўргатишда амалий машғулотларда инновацион технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини таъминлайди. Экологик муаммоларнинг ечимини топиш, табиат ва табиий захираларни ҳозирги ҳамда келажак авлод манфаатлари учун соф ҳолда сақлаб қолиш шу асосда сайёраимизда цивилизациянинг давом этишини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда COVID–19 пандемияси сабабли дунё бўйлаб таълим жараёнининг асосий қисми online форматда бўлиб ўтмоқда, инновацион

таълим технологиялари жадал ривожланиб бораётганлиги ва глобаллашув жараёнининг тезлашуви ўқитувчидан ўз билим, кўникма, АКТ бўйича компетентлигини такомиллаштириб боришни талаб қилади. “Экология” электрон интерактив таълим ресурсларидан фойдаланиш, шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ўқитишни лойиҳалаш, таълим жараёнини моделлаштириш, талабаларни интерактив дастурий воситалар билан ривожлантириш.



**1-расм. Талабаларда экологик билим ва маданиятни белгиловчи тузилма**

Ҳозирги кунда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши, таълим тизими ахборотлаштириш натижасида талабалар маъруза машғулотларидан олдин “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фани ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш ва маъруза дарсларини интерактив шаклда мунозарали ўтиш ўзлаштириш имкониятига эга. Амалий машғулот дарсларида интерактив дастурий воситалар билан ишлаш, такдимотлар тайёрлаш, интернет сайтларидан маълумотлар топиш ва қайта ишлаш кўникмаларига эга бўлади. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида: экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, ноширлик фаолиятини, кўрик-танловлар ўтказишни, ижтимоий реклама ва шу кабиларни ташкил этиш; таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф



этиш ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш; таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш; экологик таълимнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга жиддий эътибор қаратилди.

Тадқиқотлар олиб бориш давомида дунёнинг турли минтақаларида юз берган экологик вазиятлар ўрганилиб, талабаларга уларни ўқитиш методлари ва йўллари аниқлаштирилди. Экология дарсларида ўқитувчи томонидан мақсаднинг аниқ қўйилиши, дарс машғулоти давомида топшириқларнинг тўғри бажарилишини таъминлайди, дарсни бошқаришда талабаларнинг ҳаракатлари назорат қилинади.

XXI асрда дунё экологик манзарасини белгиловчи мезонлар ва трансформация жараёнлари глобал муаммолар мазмунини ва характерини белгилайди. Бугунги кунда инсоният глобал муаммолар гирдобида яшамокда. “Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичида яшамокдамиз. Кейинги йилларда Ер юзиде кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дарсларида талабаларнинг экологик компетентлиги, экологик маданиятини шакллантирилади. “Экологик маданият” тушунчасини шахс томонидан назарий ва амалий экологик билимларни ўзлаштиришнинг юқори даражаси деб таърифлаш мумкин. Экологик компетенция шаклланганлик мезонлари, ўз навбатида, кўрсаткичлар билан тавсифланади, улар қуйида батафсилроқ ифодаланган (2-расмга қаранг).



**2-расм. Талабаларда экологик компетенция шаклланганлик даражаси мезонлари**


Экологик фаолият, албатта, жамиятда шаклланган ва такомиллашиб бораётган экологик маданиятга таянади. Экологик маданият бу - инсон учун ўзи яшаб турган атроф муҳит ҳақида чуқур билимга эга бўлишини талаб

қилади, қачонки инсонлар экологик мулоҳазаси бўлар экан, она табиатга ва шу билан бир қаторда ўз соғлигига эътиборли бўлиш.

Билимларнинг тезлик билан янгилашиши, бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса бўлажак мутахассисларни мустақил изланишга, экологик муаммоларни олдини олиш ва бартараф этиш, унга ижодий ёндошишга ўргатиш, шу билан бирга назария ва амалиёт бирлиги асосида ишлаб чиқариш жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишларидаги фаолликни заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда экологик онгли, фаол, изланувчан, бошқарувчанлик қобилиятига эга, экологик маданиятли, экологик маъсулиятли, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз экологик таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини экологик таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини шахсга йўналтирилган салоҳиятини амалга оширишнинг педагогик шарт шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқувчи шахсга йўналтирилган салоҳиятини амалга оширишнинг педагогик шарт шароитлари, янги ижтимоий - маънавий шароитда фанни ўқитишда талабаларда экологик онгли ва тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, талабаларда экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитиш жараёнида талабаларда шакллантирилган экологик кадриятларни гуманизациялаштириш масалалари ёритиб берилган.

Инсон ўзининг табиат билан боғлиқлигини билгандагина, шунда у табиатни асрашга ва сақлашга ҳаракат қилади ва ўзини табиатнинг бир бўлаги деб ҳис этади (3-расмга қаранг).




**3-расм. Экологик таълим жараёнининг тузилиши**

Олий таълим муассасаларида узлуксиз экологик таълим тамойиллари асосида экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитиш методикасини

такомиллаштириш ва унинг натижаси сифатида экологик таълимнинг концептуал модели ишлаб чиқилди (4-расмга қаранг).

Экологик маданиятни англаган ўқитувчигина ўзи тарбиялаётган ёш мутахассисларни ўз иш фаолиятларида келажақда табиатга ҳурмат билан тарбиялайди ва табиатни асраши лозимлигини уқтира олади, табиат биз учун ҳамма нарсадан устун эканлигини улар онгига сингдиради.



**4-расм. Олий таълим муассасаларида “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш модели**

Аслида экологик тарбиянинг муҳим белгиси, шахснинг экологик онги ёки тушунчаси ёки унинг экология соҳасидаги билимлари, табиат ва инсон ўртасидаги боғлиқлик, табиатнинг қонунларини инсонларнинг тушуниши ва тан олиши ҳисобланади.

Экологик онгнинг шаклланишидаги асосий элементлар қуйидагича: билим - бунда инсон табиат ҳақидаги асосий илмий тушунчаларни ўзлаштирган бўлиши ва экологик муаммоларни ҳис қилиши, тушуниши-табиатни асраш ва сақлаш борасида экологик фикрларнинг шаклланиши; муомаласи-табиатни энг қимматбаҳо, такрори йўқ ва инсон учун моддий ва руҳий куч оладиган манба деб ҳисоблаши: фаолияти инсоннинг бугунги экологик муаммоларни ечишда иштирок этиши.

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишда педагогика ва методика фанларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш; экологик таълим мазмунига шахсга йўналтирилган таълим ғояларини, экологик таълимнинг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи таълим технологияларини танлаш; экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитишнинг ўқув методик ҳамда техник таъминотини мустаҳкамлаш каби вазифаларни ҳал қилиниши олий таълим муассасаларида экологик таълимнинг мазмунининг такомиллашувини таъминлайди.

Экологик таълимни беришда учта даражасини ажратдик: методологик даража, фаолиятли-технологик даража ва шахсий натижали даража.

1. Методологик даража – экологик таълим тизимини ташкил этиш асосида методологик тамойиллар ва уларга мос методологик қуроллар, унинг таркибий ва функционал яхлитлиги, умумметодологик тамойиллар ва воситалар, касбий таълимни тизимли ташкил қилишнинг мазмун моҳиятини акс эттирувчи хусусий методологик тамойиллар, алоҳида турга эга таълим соҳаси сифатида экологик таълимни амалга ошириш тамойиллари.

2. Фаолиятли технологик даража – унда экологик таълим жараёнида педагогик фаолиятга технологик асосда амалга оширилиб, таълимнинг тизимли-процессуал жиҳатини акс эттиради. Мазкур экологик таълимнинг ОТМ тизимида касбий қилувчи тизимда касбий тайёргарлик бўйича таълим жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари, ташкилий шакллари ва дидактик шарт-шароитлари турличадир.

3. Шахсий натижавий даражаси – таълимнинг субъектив натижавий жиҳатини акс эттирган бўлиб, иккала таркибий тизим учун умумий ва мутахассиснинг таълим жараёнида шаклланган шахсий экологик компетенлигини акс эттиради. Олий таълим муассасасида экологик таълимни назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотимиз унга қуйидагича муаллифлик таърифини беришга имкон берди: **“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган салоҳиятини амалга оширишнинг педагогик шарт шароитлари**” – бу касбий таълимни ташкил қилишда, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим ва амалда атроф муҳитга бефарқ бўлмасликни назарда тутати ҳамда у мазкур учта методологик асосларга таянган ҳолда

қурилади: аксиологик (гуманистик ва техник жиҳатларнинг паритетлиги), онтологик (компетентли ёндашув), технологик (касбий фаолиятдаги ижтимоий-экологик муносабатларни ривожланишини ташкил қилиш).


Диссертациянинг **Ўзлуксиз таълим тизимида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг дидактик таҳлили** деб номланган учинчи бобида бўлажак мутахассисларни тайёрлашда ўзлуксиз экологик таълимнинг дидактик асослари, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, фани ўқитишда интерфаол методлардан инновацион ахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Табиий ва техноген омиллар натижасида юзага келган фавқулодда вазиятлар, радиоактив ифлосланишлар, биохилма-хилликнинг камайиб бориши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларининг мутлоқ қирилиб кетиши ва экологик бўҳронларнинг олдини олиш масалалари экология фанининг ўқитиш жараёнида талабаларга Деминг цикли орқали ўқув жараёнини олиб бориш самара беради. Талабаларнинг экологик билимларни ўзлаштириши Деминг цикли амалий дарсларда қўллаш орқали аниқлаш мумкин. Деминг цикли (Deming Cycle - сифат доираси) – маҳсулот сифатини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солиш, алоҳида бирликлар ва объектларни оптималлаштиришнинг доимий доираси. “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” дарсларида экологик билимларнинг ўзлаштирилиши ва олинган билимларнинг табиатни муҳофаза қилиш мақсадида амалиётда қўлланиши мактабгача таълим ташкилотида, мактабда, ОТМда, жамоат жойларида ва оилада амалга оширилишини юқоридаги цикл орқали назорат қилинади. Талабаларнинг экология дарсларидаги таълим сифатини бошқаришда **режалаштириш**-ахборотларни аудиториядаги талабаларнинг эҳтиёжларига қараб яъни, уларни қизиқтирган муаммолар бўйича режалаштирилган ахборотлар берилиб экологик компетенция шакллантирилади.

**Бажариш** босқичида тезликда бартараф этиладиган экологик муаммоларни оптималлаштириш учун мос келадиган ҳаракатдир. **Назорат** қилиш босқичида талабаларнинг амалий бажарган ишлари (кейс, тест топшириқлари, лойиҳалар) натижаси назорат қилинади ва янги стандарт асосида сифати текширувидан ўтказилади. Деминг циклининг сўнгги босқичида талабаларнинг экологик компетентлиги шакллантириш концепцияси ишлаб чиқарилади, мунтазам равишда мувофиқлаштирилади. Бу ҳаракатлар жараёнларнинг тузилиши ва кечишида катта ўзгаришларни қамраб олиши мумкин (**5-расм**). Экологик таълимнинг дидактик асослари, таълимга анъанавий ва инновацион таълимга хос ёндашувларнинг қиёсий тавсифи, мутахассисларини тайёрлашнинг методик таъминотини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Олий таълим муассасаларида экологик таълимнинг дидактик шарт - шароитларни аниқлашда концептуал моделни амалий жиҳатдан ишлаб чиқишни талаб қилади, бу эса олий таълимда педагог кадрларни тайёрлашнинг концептуал

- назарий асосларини куришни ҳамда таълим жараёнининг тизимли-компонент хусусиятларини ва ўзаро боғлиқлигини ва алоқадорлигини акс эттиради. Замонавий тизимли-педагогик ғояларга кўра, экологик таълим жараёни тизимли равишда бир-бирига боғлиқ бўлган ва қуйидаги таркибий қисмлар билан ўзаро таъсир ўтказиш мақсадга мувофиқ: фаолият мақсадлари, ўқитувчи, талаба, фаолият мазмуни, фаолият шакллари, фаолият воситалари ва усуллари, фаолият натижасидир.



**5-расм. Талабаларнинг экологик компетентлиги шакллантиришнинг кетма-кетлиги**

Экологик таълим жараёнида профессионал муносабатларни технологик ташкил этиш (ўқув гуруҳида, ишлаб чиқариш амалиётида ва ҳоказо). Юқорида билдирилган фикрлар, бизгача олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижасида экологик таълим тизимига хос ёндашувларнинг қиёсий тавсифи келтириб ўтилди. Экологик таълим соҳасида мутахассиснинг фаолияти давомида орттирилган касбий тажрибаси, илмий-педагогик тажрибаси экологик компетентлиги ошиб боришига олиб келади.

Диссертация ишининг **“Олий таълимда “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш бўйича тажриба синов ишларини ўтказиш ва таҳлил қилиш”** деб номланган тўртинчи бобда педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш келтирилган.

1. Аниқлаш ва тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдонлари аниқлаб олинди. Талабаларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришдаги норматив-ҳуқуқий база, ўқув дастурлар намуналари таҳлил қилинди, фараз шакллантирилди.

2. Амалга ошириш босқичида талабаларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Моделни самарали амалга оширишда педагогик шарт-шароитлар аниқланди экологик компетентликни ривожлантирувчи технологиялар белгилаб олинди.

3. Якунловчи босқичида тажриба-синов ишлари натижалари сарҳисоб қилинди, якуний диагностик тахислар ўтказилди, натижалар қайта кўриб чиқилди, тажрибадан ўтказилган маълумотлар тизимлаштирилди ва иш натижалари расмийлаштирилди ва талабаларнинг экологик компетентлигини ривожланганлик даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишлари учта, таъкидловчи (2017-2018 йй.), шакллантирувчи (2018-2019 йй.), якунловчи (2019-2020 йй.) босқичлардан иборат бўлиб, Республикамизнинг тўртта олий таълим муассасаларида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент архитектура қурилиш институти, Андижон давлат университети, Бухоро Давлат университети бакалавриат таълим йўналишида олиб борилди. Тажриба-синов ишларининг бошланишида ўзлаштириш даражалари бир-бирига яқин бўлган талабалар гуруҳлари иштирок этишига эътибор қаратилди.

